


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фарғона вилояти хокимининг Жамоатчилик
назорати Кенгаши раиси

 Х.О.Комилов /
10.04.2023 йил

Жамоатчилик нazorати Кенгашининг 2023 йил 1-чорак давомида амалга оширган ишлари ҳамда йил якуни билан фаолиятимизни режалаштириш бўйича йиғилиш Б А Ё Н Н О М А С И

Фарғона шаҳри

2023 йил 10-апрел

Раислик қилди: **Х.О.Комилов** – Ҳалқ депутатлари Фарғона вилоят
енгаши депутати, Жамоатчилик кенгаши раиси.
З.Рахмонов – Жамоатчилик кенгаши раиси
ринбосари. Маҳалла ва Нуронийлар бошқармаси
ошлиқ ўринбосари.

Иштирок этдилар: Шаҳар туман хокимларининг Мехнат фахрийси,
Жамоатчилик кенгаши вакиллари (24 нафар) вилоят
хокимлиги фаоллари (*рўйхат илова этилади*).

КУН ТАРТИБИ:

1. 2023 йил ҳосили учун пахта дала майдонларини чигит экиш учун таёргарлик кўриш ва ўз вақтида кечиктирмасдан экиш ишларини якунига етказиш.
2. “Наврўз” умумхалқ байрамини нишонлаш байрам тадбирларини ташкил этишдаги ўзаро ҳамкорлик юзасидан вазифалар ижроси.
3. Худудлардаги аҳоли ўртасидаги жиноятчиликни олдини олиш юзасидан чора-тадбир режаларининг ижроси ҳамда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш дехкон бозорларидаги аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат махсулотларининг нарх-наволарини суний ошиб кетмаслигини олдини олиш масалалари.
4. 2023 йил ҳосили учун экилган буғдой далаларидаги агротехник ишлов бериш ҳамда органик анорганик ўғитлаш ишлари юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги.

Х.О.Комилов – Ҳалқ депутатлари Фарғона
вилоят Кенгаши депутати, Жамоатчилик
кенгаши раиси.

Йиғилиш раиси Х.О.Комилов йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидаги масалалар билан таништирди.